БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 168 (659)

26 АВГУСТ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Пахта байрами ва Шахтёрлар куни

Фидокор пахтакорларимизга ва азамат шахтёрларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Пахта байрами

Бугун Пахта байрами — умумхалқ тантанаси. Колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари барча меҳнаткашлар билан биргаликда янги байрам — Пахта байрамини тантанали равишда ўтказадилар. Пахта байрами колхозчи деҳқонларнинг ҳосил тўйи, ҳалол меҳнат тантанасидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтакорларимиз тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги, пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги қарорлари пахтакорларни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирди, уларнинг қувончига-қувонч қўшди. Айниқса бу қарорларнинг Пахта байрами арафасида эълон қилиниши тўй устига тўй, байрам устига байрам.

Пахтакорларимиз партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан мўл пахта ҳосили етиштириш ва олтинчи беш йилликнинг биринчи йилида мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил областимиз колхозлари ва совхозлари агротехниканинг илғор усулларини кенг қўлланиб, чигитни тор қаторлаб экдилар. Пахта майдонларининг қарийб 70 процентида ғўза қатор оралари биринчи марта узунасига ва кўндалангига машина билан ишланди. Илғор агротехника кенг қўлланилганлиги, қишлоқ хўжалигимиз меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари туфайли колхоз ва совхозларимиз далаларида олинган социалистик мажбуриятни тўла ва ошириб бажаришни таъминлайдиган мўл ҳосил етиштирилди. Колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчилари ўзларининг ҳалол меҳнатлари самараларини кўриб беҳад қувонмоқдалар.

Пахта байрами пахтакорларнинггина эмас, балки барча меҳнаткашларнинг байрамидир. Пахта байрами меҳнаткашларнинг пахта учун курашдаги ижодий ташаббусини ва ғайратини янада ошириши таъминлайди, меҳнаткашларни янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантиради.

Пахта байрами пахтакорларнинг янги байрамидир. Мана, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз қишлоғи. Бугун у, байрамлардагидек. Бу ерга завод ва фабрикаларнинг илғор ишчилари пахта тўйига, ўз дўстлари, иттифоқчилари—колхозчи деҳқонлар олдига биргалашиб байрам қилиш учун келганлар. Чунки пахта тўйи ҳар бир ишчининг ҳам, колхозчининг ҳам, интеллигенциянинг ҳам тўйидир. Пахта байрами Мирзачўлда кечаёқ бошланди. Райондаги Ленин номли, Сталин номли, «Октябрь», «Коммуна» ва бошқа колхозлардан уста пахтакорлар, механизаторлар байрам тантаналарини ўтказиш учун район марказига келганлар. Маданият ва истироҳат боғларида, колхоз ва совхоз клубларида, дала шийпонларида пахта далалари илғорларининг ишчилар, олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Колхозчилар учун кинофильмлар кўрсатилмоқда, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг чиқишлари бўлмоқда. Ҳамма жойда ўйин, танца, спорт машқлари бўлмоқда. Радио карнайлари янграйди. Колхоз бозорлари узум, олма, қовун-тарвуз ва хилма-хил ширин-шакар мевалар билан тўла. Дала бўйлаб пахтакорларнинг байрам қўшиқлари, қувонч ва меҳнат қўшиқлари янграйди. Ҳақиқатан ҳам бугун далада байрам бўлмоқда. Областимизнинг Янгийўл, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Пискент ва бошқа районларида ҳам Пахта байрами зўр кўтаринки руҳда бошланди.

Пахта байрами қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ижодий ғайрат ва ташаббусини янги куч билан қўзғатиб юборади, уларнинг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини янада оширади. Пахта байрами муносабати билан колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчилари ўртасида қизиб кетган социалистик мусобақани янада кучайтириб юбориш, пахта йиғим-теримига уюшқоқлик билан киришишни таъминлаш—муҳим вазифадир.

Бу йил областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида давлатга 465 минг тонна пахта териб топшириндек шарафли ва масъулиятли вазифа турипти. Пахта йиғим-теримининг энг масъулиятли даври—мўл ҳосил учун, социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашнинг ҳал қилувчи даври етиб келмоқда. Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш йиғим-терим ишларини ташкил этишга, бу ишни энг қисқа муддатларда, нобудгарчиликка мутлақо йўл қўймасдан ўз вақтида териб олишга боғлиқдир. Пахта байрамини ўтказиш пахта йиғим-теримига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш, пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш шиори остида ўтказилиши керак. Бунинг учун теримчилар ва пахта териш машиналарини ҳайдовчи механиклар ўртасида кенг иш олиб бориш, ҳар бир колхозчининг, совхоз ишчисининг мавсум давомида 10-15 минг килограмм ва ундан ошириб пахта териши учун социалистик мусобақани кучайтириб юбориш керак.

Яқинда областимиздаги илғор теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари Пахта байрами олдидан ўз устларига катта мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунигача пахта тайёрлаш давлат планини бажаришга сўз бердилар.

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг аъзоси Саври Каримбердиева мавсум давомида 15 минг килограмм, Ўрта Чирчиқ районидаги Ильич номли колхознинг аъзоси Насиба Аҳатова 20 минг килограмм, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси Замира Дўсбекова 25 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олдилар. Шунингдек, механик-ҳайдовчилардан Н. Железняков мавсум давомида 100 тонна, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси Анвар Алиев икки қаторли машина билан 120 тонна, 2-Ўрта Чирчиқ МТСининг механик-ҳайдовчиси Жуманазар Қорабоев икки қаторли машина билан 150 тонна пахта териб беришга ваъда қилдилар. Бундай илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчилар областимизда юзлаб топилади.

Пахта йиғим-терими кампаниясини муваффақият билан ўтказиш учун пахта далаларида меҳнатни пухта ташкил этиш, ҳар бир бригадада соатли графикни жорий қилиш зарур. Ҳар бир теримчининг унумли ишлаши учун барча имкониятларни яратиб бериш керак.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, колхоз, МТС ва совхозларнинг раҳбарлари бу йилги пахта йиғим-теримида пахта териш машиналаридан кенг фойдаланишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўймоқлари керак. Пахтаси машина билан териладиган участкаларда пахта териш техникасининг юқори унум билан ишлашини таъминлайдиган зарур тадбирларни ўз вақтида кўриш керак.

Пахта байрами умумхалқ байрамидир. Пахта байрами колхозчилар, МТС ва совхоз ишчиларини барча совет халқининг Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига бўлган чексиз садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатади. Бу байрам ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг партиямиз шонли XX съезди қарорларини бажаришга бўлган буюк продасини, коммунизм қуриш ишига бўлган ишончини яна бир марта намойиш қилади.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, Пахта байрамингиз муборак бўлсин!

Янги байрамга пахта қизил карвони

ПИСКЕНТ. **(Телефон орқали олинди).** Район пахтакорлари, механизаторлари янги байрам—«Пахта байрами»ни муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилдилар. Ҳозир пахта далаларидаги ғўза тупларида кўсаклар бирин-кетин очила бошлади. Фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-терib олишга киришилди.

Райондаги илғор Молотов номли колхоз шу кунларда 1,5 процентдан пахта топширмоқда. Сталин номли колхоз ҳам графикни ошириб бажараётир. Шу колхознинг Достон Хайдаров бошлиқ бригадаси пахта тайёрлашда районда биринчи ўринда бормоқда. Ҳозир бу бригада кунига 2 процентдан пахта топшираётир. Ҳаммаси бўлиб давлатга 8 процент миқдорида пахта топширилди.

Кеча районда янги байрам — «Пахта байрами»га бағишланган қизил карвон ташкил этилди. 40 та автомашина, 29 та қўш отли арава билан давлат қабул пунктига 100 тонна пахта келтирилди. Бу, пискентликларнинг бу йилги мўл ҳосилидан дастлабки нишонадир.

Ҳосил тўйингиз қутлуғ бўлсин!

Байрам шодиёнаси билан чеҳралари гулдек очилган бу ёш жувонлар ҳосил тўйи — Пахта байрамига бормоқдалар. **Суратда:** Янгийўл район, Ленин номли колхоз 12- бригадасининг моҳир теримчилари (чапдан ўнгга): **П. Абдурахмонова, Х. Йўлдошева** ва **Х. Сулаймонова** ўртоқлар.

А. Аверьянов фотоси.

☆ ☆

Байрам шодиёнаси

Барглар олтинланиб далада, боғда,
Тўкин пахтакор ёз авжга етганда,
Салқин ва ором бахш кузак шаббода
Манглай терларини ялаб кетганда,
Биринчи қировдан тонгда осмон
Сумбула сувидай тиниқ бўлганда,
Сахий куз файзидан яшнаб дастурхон,
Колхоз омборлари донга тўлганда,
Тўйиб кузатганда пахтазорингни
Бир ажиб байрамни қумсайсан ниши.
Азиз ҳукуматинг дилда борингни
Бир онадай сезса—нақадар яхши!
Байрам! Байрам букун! — янгроқ шиордек
Бесабр туйғулар уйғотар дилда.
Ғалабалар билан кутиб олай деб
Аҳди-паймон қилар ҳар ким кўнгилда.
Эрта-индин СХМ товушидан
Юлдузлар сўнмасдан уйғонар дала,
Эрта-индин меҳнат, терим шавқидан
Шошқалоқ қизларнинг уйқуси чала.
Терим бошланганда сезар қалбимиз
Кунлар, соатларнинг қадри-қимматин,
Юксак баҳолади улуғ халқимиз
Миннатдор деҳқоннинг касбин, ҳимматин.
Ғолиб сафлар билан тантана қуриш —
Буюк халқимизнинг севган одати.
Байрамда тенг дўстлар сафида туриш —
Ҳар бир пахтакорнинг бахт-саодати.
Пахтанинг байрамбоп меҳнати ҳам бор,
Яша, пахтакорнинг ҳосил байрами!
Пахта халқимизга миллий ифтиҳор.
Бугун ўзбекларнинг асл байрами!

Асқад МУХТОР.

Кўтаринкилик

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзолари Пахта байрачини ғўза парваришини сифатли қилиб тугаллаш, шунингдек, пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш билан кутиб олдилар.

Ҳозир колхознинг 2200 гектар майдондаги ғўзаларида мўл ҳосил тўпланган. Ғўзалар 4 марта комплекс парваришдан чиқарилди. Ўз вақтида қондириб суғорилиб, етарли миқдорда озиқлантирилди. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 10-12 талан кўсак бор.

Пахтакорлар шу кунларда кўтаринки руҳ, зўр иштиёқ билан ғўза парваришини давом эттириб, пахта теримини бошлашни орзиқиб кутмоқдалар.

Китоб бозори ташкил этилди

Пахта байрами кунлари областимиз шаҳар ва районларида китоб бозорлари ташкил қилинади. Эски-Жўва, Бешёғоч майдонларида ва темир йўл ёнида ҳамда Тошкент тўқимачилик маданият саройларида китоб бозорлари уюштирилади.

«Ўзглавкниготорг» ҳозирданоқ шаҳар ва район китоб магазинларига кўп миқдорда китоблар жўнатди. Ҳаммаси бўлиб байрам кунлари 260 минг сўмлик китоб савдо қилиш мўлжалланилмоқда.

Маданий хизмат

Область ижроия комитети ҳузуридаги маданият бошқармаси ва лекция бюроси «Пахта байрами» муносабати билан бир қанча амалий тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Байрам кунлари шаҳардаги ҳамма паркларда ва маданият саройларида оммавий сайилар ҳамда кечалар бўлади. Донгдор пахтакорлар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади. Колхозчиларнинг болалари учун маданият ва истироҳат боғларида эрталиклар уюштирилади.

Шаҳар кутубхоналари ва жойларда китоб виставкалари ташкил қилинади. Виставкаларда сиёсий ва бадиий ҳамда қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар бўлди.

Шунингдек, паркларда ҳозирданоқ илмий-оммабоп темаларда лекциялар ўқилмоқда. Лекцияларни мутахассис лекторлар мазмунли ва қизиқарли қилиб ўқимоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов Норвегия парламенти делегацияси аъзоларидан бир группасини қабул қилди

25 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов Норвегия стортинги раиси Оскар Торп бошчилигидаги Норвегия стортинги делегациясининг аъзоларидан бир группасини қабул қилди.

Ш. Р. Рашидов меҳмонларни табриклаб, Норвегия парламенти аъзоларининг Ўзбекистонга келиши Совет Иттифоқи ва Норвегия халқлари ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деди.

Делегация бошлиғи Оскар Торп норвеж халқидан салом топширди ва Норвегия халқлари ҳам тинчликка интилмоқдалар, деди.

Суҳбат вақтида Ш. Р. Рашидов делегация аъзоларини Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятининг ривожланиши билан таништирди.

Суҳбат вақтида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. Я. Емцов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Иҳомова ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

Шахтёрлар куни

Бугун шонли шахтёрларимизнинг традицион байрами. Бу йилги байрам жуда ажойиб кунларга тўғри келмоқда. Баракали олтин кузнинг илк нишоналари — Россия, Украина ва Кубаннинг бепоён далаларида, Олтой ўлкаси ва Қозоғистоннинг кўз илғамас бўз ва қўриқ ерларида етишган мўл ғалла ҳосили йиғиб-терib олинмоқда. Давлатнинг ҳам, колхознинг ҳам омбори ғаллага тўлиб-тошмоқда. Грузин, арман, озарбайжон, ўзбек ва тожикнинг боғларида дастурхоннинг кўрки — турли мевалар ғарқ пишиб ётипти. Саноатнинг қимматли хомашёси — пахтадан эса бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп ҳосил етиштирилди. Ҳуллас, бу йил саноатимиз хомашё, аҳоли эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўтган йилгига қараганда янада мўл-кўл таъминланади. СССР Статистика бошқармасининг Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1956 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотида келтирилган рақамлар саноат соҳасида ҳам катта ютуқларга эришганлигимиздан далолат беради.

Олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йилнинг биринчи ярмида эришилган барча ғалабаларимиз партиямизнинг сўзи билан иши бир эканлигининг ва КПСС XX съезди Директиваларининг тамомила ҳаётий эканлигининг ёрқин далилидир. Бу ютуқларимиз халқимизни янгидан-янги ғалабаларга отлантирмоқда. Совет кишилари Шахтёрлар кунини сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати янада ошган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Кўмир — саноат ва транспортнинг нони деб айтишлари бечиз эмас. Оддийгина қилиб айтганда, омборинг хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотига тўла бўлса-ю, ўтин-кўмиринг бўлмаса, яна аҳволинг танг. Кўмир бўлмаса, социалистик экономикамиз асосларининг асоси, мамлакатимиз мудофаасини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини узлуксиз юксалтиришнинг негизи бўлган оғир саноатни олга қараб силжитиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўмир саноатини ривожлантиришга бениҳоя катта аҳамият бериб келмоқдалар. Мамлакатимизда кўмир саноатининг ишлаб чиқариш қуввати тўхтовсиз ортиб бормоқда — янгидан-янги шахталар қурилмоқда ва эскилари реконструкция қилинмоқда.

Кўмир саноати янги, илғор техника билан йилдан-йилга кўпроқ таъминланмоқда. Лаваларда кўмир комбайнлари, кучли конвейерлар ишламоқда. Янги кон техникаси шахтёрларнинг оғир меҳнатини енгиллаштирмоқда. Коммунистик партиянинг Чақириғи билан кўмир ҳавзаларига ва шахта қурилишларига минглаб ёш ишчилар, инженер-техниклар келмоқда. Шонли Ленин комсомоли шахтёрлар армиясини кун сайин тўлдириб бормоқда.

Ўзбекистон кочегаркаси — Оҳангарон кўмир ҳавзаси республикамизнинг ифтихори бўлиб қолди. Илгари бизда кўмир йўқ эди. У, Иттифоқнинг узоқ жойларидан ташиб келтирилар ва жуда қимматга тушар эди. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида барпо этилган Оҳангарон кўмир ҳавзаси бизни бу қийинчиликдан деярли қутқарди. Республика саноати ҳам, транспорти ҳам ёқилғи базасига эга бўлди. Оҳангарон кўмир ҳавзасининг аҳамияти бу билан тугамайди. Чотқол ва Қурама тоғлари этакларида кўмир ҳавзасининг барпо этилиши билан Оҳангарон водисида шахтёрларнинг ғўзал ва обод шаҳри қад кўтарди, рус ва бошқа қардош халқларнинг ёрдами туфайли ўзбеклардан малакали шахтёр кадрлар етишиб чиқди.

Оҳангарон кўмир ҳавзасининг кончилари Совет Иттифоқидаги барча шахтёрлар билан бир қаторда ўз байрамларини меҳнат соҳасида катта совғалар билан кутиб олмоқдалар. «Ўзбекуголь» трестига қарашли кўмир ҳавзаларида ёқилғи қазиб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 9,5 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 7,1 процент ошди. Шу муддат ичида ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи қарийб 1 сўм камайди. 9- шахтанинг кончилари бу соҳада яна ҳам юқорироқ кўрсаткичга эришдилар, яъни бу шахтада қазиб чиқарилган ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи 4 сўм 40 тийин арзонлашди. Бу эса трестга давлатнинг 3 миллион сўмини тежаш имкониятини берди.

Шахтёрларга маданий-маиший хизмат қилиш кун сайин яхшиланиб бормоқда. Маданий-маиший муассасалар қуришга йилдан-йилга кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида шахтёрлар шаҳрида бир клуб, ёзлик кинотеатр, Маданият ва истироҳат парки, болалар ёзги майдончаси фойдаланишга топширилди. Ҳозир Оҳангаронда 8 кинотеатр ишламоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ишлари яхшиланди ва унинг тармоғи кенгайтирилди. 7 ой мобайнида 4 та янги ошхона қурилди, 10 дан ортиқ савдо шохобчалари ишга туширилди. Шахтёрларга медицина ёрдамини яхшилаш учун бу йил 110 ўринли касалхона қурилди.

«Ўзбекуголь» трести шахталарида кўмир қазиб чиқариш йил сайин кўпайиб бориши билан бирга, саноат ва транспортнинг ёқилғига бўлган талаби ҳам тобора ортиб бормоқда. Вазифа—кўмир ҳавзаларидаги барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, кўмир қазиб чиқариш ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтаришдан иборатдир.

Яқинда бўлиб ўтган Украина кўмир саноати ходимларининг кенгаши кўмир қазиб чиқариш ва шахталар қурилишидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлади ва бу камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилаб берди. Кўмир саноати ходимлари олдида турган муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариш, даставвал, корхоналардаги партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг ишларини ҳар томонлама яхшилашга боғлиқдир. Улар кишиларни яхшироқ ўрганишлари, комбайнчилар билан, кўмир қазиш машиналарининг машинистлари билан, навалоотбойчилар билан, кўмир қазиб чиқарадиган барча кишилар билан алоқани янада мустаҳкамлашлари лозим. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари партия йиғилишлари ва ишчиларнинг йиғилишлари қандай ўтаётганлигига, раҳбарларнинг ишчилар талабига қандай қулоқ солаётганликларига, клуб, кино, ошхона, магазинларнинг қандай ишлаётганликларига, савдонинг қандай ташкил қилинганлигига катта эътибор беришлари лозим. Бу масалаларнинг ҳаммаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Кўмир саноати корхоналарида ташкилий ишларни яхшилаш, партия комитетларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш лозим.

Шўҳа йўққи, «Ўзбекуголь» трестининг ходимлари, кўмир ҳавзаларининг шахтёрлари бутун куч ва билимларини шахталардаги барча резервлардан унумли фойдаланишга, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили—1956 йил давлат планини тўла ва ошириб бажаришга сарфлайдилар.

Совет Шахтёрларига шон-шарафлар бўлсин!

Пландан ташқари 63 минг 670 тонна кўмир

«Ўзбекуголь» трестининг меҳнатсевар кончилари шахтёрлар байрамини меҳнат соҳасида муносиб совғалар билан нишонламоқдалар. Трестга қарашли кўмир корхоналарининг барча участкаларида юқори кўрсаткичларга эришилганлиги натижасида Шахтёрлар кунигача пландан ташқари 63 минг 670 тонна кўмир қазиб чиқарилди ва республиканинг турли шаҳарларига жўнатилди.

Участкаларо социалистик мусобақада 9-шахтанинг ўртоқ Хон Фёдор бошчилик қилаётган 1-участкаси олдинда бормоқда. Бу участка коллективи йил бошидан бери белгиланганидан 14 минг 208 тонна кўп кўмир берди.

Шахта кончиларининг Шахтёрлар куни шарафига меҳнат вахтасида туриб фидокорона ишлаш натижасида 24 ва 25 август кунларининг ўзида қўшимча равишда 300 тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқарилди.

24 августда 9-шахта ишчи ва хизматчиларининг Шахтёрлар кунига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида катта хизмат кўрсатаётган юздан ортиқ шахтёр пул мукофотлари билан тақдирланди.

СОВЕТ ШАХТЁРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

Оҳангарон кўмир корхоналарининг коллективлари ўз традицион байрамларини ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Суратда: «Ўзбекуголь» трестининг бир группа донгдор шахтёрлари (чапдан) навалоотбойчи Г. Қурбонов, экскаватор машинисти Н. Хорошилов, навалоотбойчи О. Юсупов, моторист Х. Сандова ва участка бошлиғининг ўринбосари О. Исроилов ўртоқлар.

В. Лейзерович фотоси.

Энг илғор участка

Оҳангарондаги 9-шахта кончилари йил бошидан берли фидокорона меҳнат қилиб, кўмир қазиб чиқариш давлат планларини ой сайин ортиги билан бажариб келмоқдалар.

Шахтанинг барча участкалари бир меёрда ишлаб, ёқилғи қазиб чиқариш планларини ортиги билан адо этаётирлар.

Айниқса, биринчи участка коллективи (бошлиғи ўртоқ Хон Фёдор) Шахтёрлар куни шарафига бошланган социалистик мусобақани қизитиб, катта ютуқларга эришмоқда. Йил бошидан бери бу коллектив планга қўшимча равишда 14.210 тоннага яқин кўмир қазиб чиқарди. Шу давр ичида ҳар бир кончининг меҳнат унумдорлиги пландагига қараганда 19 процент ортди, ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи 4 сўм арзонлашди, давлатнинг 300 минг сўмга яқин маблағи тежалди. Бу участка коллективи ўз ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан Ўрта Осиё шахталари участкалари орасида биринчи ўринни эгаллади, унга «Средазуголь» комбинатининг 10 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти берилди.

Кўмир қазиб чиқаришда бундай муваффақиятларга лаванинг циклли график асосида ишлашини таъминлаш натижасида эришилмоқда. Бу метод лавадаги барча ишларни ўз вақтида бажариш имкониятини бермоқда. Ҳозир лава қатъий суткали график асосида ишлаётир. Июль ойида 27 цикл қилинди. Бунинг оқибатида лавани ёнга қараб 54 метр суришга муваффақ бўлинди, бу эса пландагига нисбатан анча кўпдир. Август ойида ҳар суткасига бир цикл қилиш тамомила ўзлаштирилди.

Меҳнатни илғор ишлаб чиқариш усули бўлган суткали циклли график асосида ташкил этиш барча ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юқори бўлишига олиб келаётир.

Айниқса, лавадаги СТР-30 занжирлик транспортёрни янги жойга кўчириш ишлари шахта тарихида эришилмаган рекордни қисқа вақт ичида бажарилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати И. Братерский, Тошкент область Советининг депутати Н. Судаков ва Шишков ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар бу соҳада катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Норма бўйича транспортёрни янги ерга кўчириш учун 18 кишига 8 соат белгиланади. Бу ишга навалоотбойчилар бригадалари фақат 1 соат 40 минут—2 соат вақт сарфламоқдалар, холос. Қолган вақт ичида эса қўшимча равишда юзларча тонна ёқилғи қазиб чиқаряётгирлар. Шунинг учун ҳам бу бригадалар йил бошидан бери пландан ташқари бир неча эшелонлаб ёқилғи қазиб чиқардилар.

Кончилар орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, техника хавфсизлиги яхши йўлга қўйилган.

Участкага қарашли лавалардан қазиб чиқарилган кўмирни штрекда ташишда электровозлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Бу — қазилган ёқилғини тез ташишга ва кончиларнинг иш вақтидан унумли фойдаланишларига имконият туғдираётир. Мавжуд транспорт воситаларининг участкага берилиши ҳам унумли меҳнат қилишни таъминлашда катта роль ўйнаётир. Слесарлардан Шчука, Печоркин, Воробьев каби ўртоқлар транспортёр, электровозлар ва бошқа кон механизмларининг доимий равишда ишга тайёр ҳолда туришини таъминламоқдалар, иш вақтида бузилиб қолган механизмларни тезда тузатиб ишга туширмоқдалар.

Участкада ёғоч материаллардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган, уларнинг кўп исроф бўлишига ҳотима берилаётир. Лавалар ва забойларни мустаҳкамлашда фойдаланиладиган ёғоч материаллар илгари бир марта фойдаланилгач лава бостирилгандан кейин шу ёрда ёнгиб кетар эди. Бу эса қазиб чиқарилаётган кўмир таннархининг ошиб кетишига олиб келарди. Ҳозир бунга ҳотима берилди, ёғоч материаллар қайта-қайта ишлатилмоқда. Бунда бостирувчилар катта хизмат қилмоқдалар. Улар лаваларни бостиришда устунларни синдирмасдан олмоқдалар. Бу эса ёғочлардан иккинчи марта фойдаланишга имконият бераётир.

Бундай муваффақиятларга эришишда участкада етишиб чиққан илғор шахтёрлар пледаси ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Уларнинг кўпчилиги шахта коллективи орасида катта ҳурмат қозонган. Навалоотбойчилар бригадаларининг бошлиқлари Братерский, Н. Судаков, навалоотбойчилардан Маматов, Каримов, Ким Анатолий, Файзуллин, кекса шахтёрлардан Бозаров, Ортиқбоев, Пардаев, Молоков, Смаригин ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар ҳар доим смена нормаларини 140-150 процент ва хатто ундан ҳам ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Транспортёрнинг доимо бешикаст ишлаб туришини таъминлашда мотористлардан Дорошева, Русецкая, Дуюновалар, запалчилардан Бекбоев, Тошбоев, Ахмедшин ўртоқлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Янги лаваларни очишда проходчилардан Шин Владимир, Тарасенко, Асанов ўртоқлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ана шундай турли касбдаги кончиларнинг бир-бири билан яқин алоқада, ҳамкорликда ишлашлари натижасида участка кўмир қазиб чиқаришда катта ютуқларга эришмоқда. Кончилар йил охиригача пландан ташқари бир неча эшелон кўмир қазиб чиқариш учун барча резервлардан фойдаланишга қарожат қилмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.

Янада унумли ишлаймиз

Мен ёшлигимдан бошлаб экскаваторларнинг ишлашига қизиқиб қарар эдим. Оҳангарон ҳавзасидаги кон устини очаётган қудратли экскаваторлар ишидан, уларнинг инсон меҳнатини енгиллаштиришларидан завқланар ва мен ҳам шундай машинани бошқаришни ҳавас қилардим. Бу ҳавас тобора кучая борди.

1945 йилда шаҳримиздаги фабрика-завод таълими мактабига ўқишга кирдим. 3 йил давомида машинист ёрдамчиси бўлиб юргач, анча нарсага ақлим етадиган бўлиб қолди. 1948 йилдан бошлаб экскаваторни ўзим мустақил равишда бошқарадиган бўлдим.

О. Аблямитов, Х. Алиқулов, М. Султонбеков, Н. Гриднев ўртоқлар сингари, ўз ишининг устаси бўлиб кетган донгдор экскаватор машинистлари бу соҳада менга катта ёрдам бердилар. Улар ҳозирги кунларда ҳам барча экскаватор машинистларига ўрнак бўлиб ишламоқдалар. О. Аблямитов бошчилигидаги экскаваторчилар экипажи миллионерлар деб юритилади. Бу экипаж аъзолари разрез ташкил этилгандан бери бир неча миллион тонна ёқилғи қазиб чиқардилар. Шу йилнинг 7 ойи давомида пландан ташқари қазиб чиқарилган 30 минг тонна кўмирнинг деярли ярмидан кўпини шу экипаж аъзолари қазиб чиқарганлар. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги кўмир разрези бўйича планга нисбатан 7 процент ошди. қазиб чиқарилаётган кўмирнинг таннархи камайди, унинг сифати яхшиланди. Натижада давлатга 2 миллион сўмлик жамғарма берилди.

Бизнинг ЧКД-2 экскаватор экипажи аъзолари ҳам Шахтёрлар кунини муносиб совға билан нишонлади. Ой сайин ёқилғи қазиб чиқариш нормаларини ошириб адо этиш 8 ойлик топшириқни муддатидан бир неча кун олдин бажариш имконини берди. Шахтёрлар кунигача пландан ташқари бир неча юз тонна кўмир қазидик.

Экипажимиз кўмирни транспортёр лентасига ортади. Кўмир лента орқали юқори комплексга бориб, у ерда сортларга ажратилади.

ЧКД экскаватори экипажи учун ҳар сменада 180 тонна кўмир ортиш белгиланган. Биз иш тажрибамизда 180 эмас 400, ҳатто 500 тоннагача кўмир ортиш мумкин эканлигини исботладик. Афсуски, ҳозир мана шундай юқори кўрсаткичга эришиш учун имконият яратиб бераётир.

Бундай муваффақиятларга эришишда участкада етишиб чиққан илғор шахтёрлар пледаси ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Уларнинг кўпчилиги шахта коллективи орасида катта ҳурмат қозонган. Навалоотбойчилар бригадаларининг бошлиқлари Братерский, Н. Судаков, навалоотбойчилардан Маматов, Каримов, Ким Анатолий, Файзуллин, кекса шахтёрлардан Бозаров, Ортиқбоев, Пардаев, Молоков, Смаригин ўртоқлар шулар жумласидандир. Улар ҳар доим смена нормаларини 140-150 процент ва хатто ундан ҳам ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Транспортёрнинг доимо бешикаст ишлаб туришини таъминлашда мотористлардан Дорошева, Русецкая, Дуюновалар, запалчилардан Бекбоев, Тошбоев, Ахмедшин ўртоқлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Янги лаваларни очишда проходчилардан Шин Владимир, Тарасенко, Асанов ўртоқлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ана шундай турли касбдаги кончиларнинг бир-бири билан яқин алоқада, ҳамкорликда ишлашлари натижасида участка кўмир қазиб чиқаришда катта ютуқларга эришмоқда. Кончилар йил охиригача пландан ташқари бир неча эшелон кўмир қазиб чиқариш учун барча резервлардан фойдаланишга қарожат қилмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.

Бизнинг совғамиз

Печерский кўмир ҳавзасида навалоотбойчи бўлиб ишлаб юрганимда ишлаб чиқаришни комплекс ташкил этиб, кўмир қазиш планини доимо ортиги билан бажараётган бригадалар тажрибасини ўрганган эдим. 9- шахтанинг 4- участка навалоотбойчилар бригадасига бошлиқ бўлиб тайинланганимдан сўнг комплекс методнинг афзалликларини бригада аъзоларига уқтирдим. Улар бу янгиликни қўллашга киришдилар, ишни ташкил этишда менга яқиндан ёрдамлашдилар. Натижада тез кунда ишлаб чиқаришни комплекс равишда уюштиришга муваффақ бўлдик.

Аваллари алоҳида бригадалар томонидан бажариладиган навалка қилиш, лава ва забойларни мустаҳкамлаш, занжирли транспортёр воситаси билан кўмирни лентага узатиш каби ишларни энди ўзимиз бажарадиган бўлдик. Натижада иккинчи даражали ишларга сарф қилинадиган вақтни анча қисқартириш, асосий кучни ёқилғи қазиш ва уни транспортировка қилишга қаратиш имконияти яратилди.

Бу янгилик тезда самарали натижа бера бошлади. Июль ойи планини 121,1 процентга етказиб бажаришга эришдик. Август ойининг биринчи ярмида бригадамиз пландан ташқари 450 тонна кўмир берди. Шахтёрлар кунигача ойлик планни муваффақият билан бажариб, қўшимча равишда 800 тонна ёқилғи қазиб чиқардик.

Бригадамизнинг илғор навалоотбойчиларидан Қаршиев, Эшмаев, Галимов ўртоқлар смена нормаларини 130-140 процент қилиб бажармоқдалар. Улар иш вақтининг ҳар бир минутидан, техника воситаларидан унумли фойдаланиш соҳасида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Биз — шахтёрлар бугун йил давомида ишлаб чиқаришда эришган ғалабаларимиз билан ҳақли равишда ғурурланамиз. Тантанали байраммизни шоду-ҳуррамликда ўтказамиз. Эртадан яна янги ғалабалар сари бел боғлаймиз, олтинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш юзасидан берган ваъдамизни оқлаш учун янада зўр ғайрат қиламиз.

Х. АЛИМАТОВ,
9- шахта навалоотбойчилар бригадасининг бошлиғи.



Оҳангарон кўмир разрезида деярлик ҳамма ишлар механизациялаштирилган. Суратда: кўмир разрезида иш процесси.

В. Лейзерович фотоси.

Ёш қурувчиларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаймиз

Партиямиз XX съезди СССР халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш, совет кишилари фаровонлигини янада оширишнинг улуғвор программасини чизиб берди. Олтинчи беш йиллик план Директиваларида иттифоқчи республикаларнинг ҳаммасида экономика ва маданий қурилиш соҳаларида муҳим тадбирларни амалга эширишни кўзда тутилган.

Бу беш йилликда Ўзбекистон саноати янада юқори босқичга кўтарилади. Республикамизнинг асосий кўмир базаси — Оҳангаронинг келажаги айниқса порлоқдир. Оҳангарон умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик тог-саноат районига айланиб бормоқда. Яқин беш йил ичида бу шаҳар фақатгина кўмир саноатининг эмас, балки рангли металлургия, химия ва қурилиш материаллари саноатларининг ҳам йирик марказига айланади.

Оҳангарон кўмир конида олтинчи беш йилликда кўмир қазиб чиқариш 6 миллион тоннага етказилади. Шаҳарда ер ости газ станцияси ва Ўрта Осиёда энг йирик бўлган иссиқлик электростанцияси қурилади. Шунингдек, 10 га яқин янги маданий-маиший муассасалар қурилиши планлаштирилган.

Шу кунларда Оҳангарон катта қурилиш майдонига айланган. Ҳамма ерда ғайрат ва ташаббус билан олиб борилаётган ижодий меҳнатни кўрасиз. Шаҳарга жонажон Коммунистик партиямиз чақиригига жавобан Катта Оҳангарон қурилишида қатнашиш учун комсомол путёвкаси билан республикамизнинг турли районларидан жуда кўп ёш ватанпарварлар келдилар. Фақат сўнгги 2-3 ой мобайнида Катта Оҳангарон қурилишига 2 мингдан ортиқ йигит-қиз келди.

Ватанпарварлик туйғуси билан бу ерга келган ёш қурувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва қулай моддий-маиший шароитлар яратиб берилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шуни ҳисобга олиб, шаҳар партия ва жамоат ташкилотлари ёшларнинг намунали маданий дам олишларини уюштириш ҳамда уларга яхши маиший шароитлар яратиб беришга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Сўнгги 2 ой ичида шаҳар лекторлар группаси ёшлар орасида турли актуал темаларда 30 га яқин мазмунли лекция ўтказди. «КПСС XX съезди ва қурувчиларнинг вазифаси», «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси тўғрисида», «Оҳангарон кўмир ҳавзасини комплекс ривожлантириш» каби темалардаги лекцияларни ёшлар зўр қизиқиш билан тингладилар. Тошкентдан келган лекторлардан Синельников ва Новиков ўртоқларнинг «Шахста сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида», «Халқаро аҳвол тўғрисида» ўқиган лекциялари ҳам ёшлар орасида катта эътибор қозонди. Шаҳар кутубхонасининг ходимлари ҳам қурувчиларга маданий хизмат кўрсатишни кундан-кунга яхшиламоқдалар. Бу ерда тез-тез китобхонлар конференцияси уюштириб турилади. «А. С. Макаренконинг «Педагогик поэма» асарида дўстлик ва ўртоқлик масаласи» темасидаги конференция жуда жонли ва қизиқарли ўтди. Бу конференция жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Оҳангарон шаҳрининг барпо ҳаваскорлар коллективлари, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан келган ижодий коллективларнинг артистлари ҳам ёшларга концертлар қўйиб бердилар. 2 ой мобайнида қизиқарли программада 19 та концерт кўрсатилди. М. Зенковецкий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Львов театри ва Навоий номли опера ва балет театри артистлари ижросида берилган концерт томошабиларда яхши таассурот қолдирди. Ёғи клубда «Горняк» клуби ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма кинoустановкалари ҳар хил янги фильмларни намойиш қилмоқдалар. Бу, ёш қурувчиларнинг ишлаб чиқариш малакасини оширишда, уларни илғор иш методлари билан таништиришда муҳим роль ўйнаётир.

Ёшлар ишдан сўнгги бўш вақтларини спорт майдончаларида ва бадиий ҳаваскорлик тўгарақларида ўтказмоқдалар.

Бу тадбирлар ёш қурувчиларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Ҳар куни бетончилар, ер қазувчилар, арматурачилар, электр пайвандчиларнинг меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритаётганликларини эшитиб беҳад қувонасиз. Ўртоқ Галина Каюленко бошлиқ бетончилар, ўртоқ Назаренко бошлиқ ер қазувчилар бригадаларининг меҳнатда кўрсатаётган ғайрат ва ташаббуслари бутун Оҳангаронга ёйилган. Бу бригадалар кундалик нормани 120-130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Ёш қурувчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб беришда ҳали камчиликларимиз бор. Ер ости гази районида ва Ўпартоғ разрезидаги ётоқхоналарда турувчи ёшлар орасида маданий-оммавий ишлар ҳали яхши ташкил қилинмаган. Бу ерда концерт бригадалари камдан-кам бўлади, лекциялар уюштирилмайди, кинофильмлар онда-сонда кўрсатилади. Бу факт мазкур қурилишдаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ёшлар орасида маданий-оммавий ишларни қизитиб юборишга етарли даражада эътибор бермаётганликларини кўрсатади. Шаҳар комсомол комитети ҳам юқорида кўрсатилган ётоқхоналарда маданий-оммавий ишларни жонлантириб юбориш тўғрисида қайғирмаётир.

Ёшларга маданий хизмат кўрсатишда эришилган дастлабки муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, ёш бинокорлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар томонлама яхшилаш муҳим вазифа.

Г. САКТАГАНОВ,
Ўзбекистон КП Оҳангарон шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

Меҳнат сурури

Улуғ Ленин 1920 йили Кон ишчиларининг биринчи Бутунроссия таъсис съездида сўзлаган нутқида: «Кўмир саноати бўлмаса, бironта ҳам ҳозирги замон саноатининг, бironта ҳам фабрика ва заводнинг ҳеч бир иш қила олмаслигини сиз ҳаммангиз биласиз, албатта. Кўмир — ҳақиқатан ҳам саноатнинг озиғидир, бу озуқ бўлмаса саноат ётиб қолади, бу озуқ бўлмаса темир йўл транспорти ҳам жуда ёмон аҳволга тушиб қолади... бу озуқ бўлмаса барча мамлакатларнинг йирик саноати тўшкунликка, таназзулга учрайди,...» деган эди.

Партия ва ҳукуматимиз кўмир саноатига ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдалар. Бизнинг мамлакатда кўмир саноати ходимларининг меҳнати энг шарафли ишлардан бири ҳисобланади. Шахтёр сўзи ҳамма ерда зўр ҳурмат билан тилга олинади. Бу бечиз эмас. Чунки шахтёр социалистик хўжаликнинг энг оғир, энг муҳим соҳасини тараққий эттириш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлайди. У, ер бағрида кўмилиб ётган қимматли бойликни — саноат ва транспортнинг нонини, аҳоли турмуши учун зарур бўлган ёқилғини қазиб олади ва халқ хизматига тақдим қилади, Ватанимиз иқтисодий қуввватини оширади. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шахтёрларнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ҳар йили август ойида Шахтёрлар кунининг байрам қилинишини ҳам бу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз шахтёрлари бу йилги ўз традицион байрамларини ҳар қачонгидан ҳам қулай бир вазиятда нишонламоқдалар. Улар бу байрамни ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Оҳангарон шахтёрлари бу йилги Шахтёрлар кунини жуда қувончли кунларда, ўзбек халқининг КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукуматига нисбатан меҳр-муҳаббати янада кучли равишда ошган, партия XX съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш йўлидаги ғайратига ғайрат қўшилган бир вазиятда байрам қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш ва обод қилиш тўғрисида, Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида, пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисида чиқарган қарорлари республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори шахтёрларни ҳам меҳнат safларини сари руҳлантириб юборди.

Оҳангарон кончилари бешинчи беш йилликда қўлга киритган катта муваффақиятларини янада янги ютуқлар билан мустаҳкамлашга 1956 йилнинг бошиданоқ киришган эдилар. Меҳнатсевар шахтёрларимиз КПСС XX съезди шарафига бошланган мусобақаларда мамлакатимиздаги кўпгина кўмир корхоналарига қараганда самарали натижаларга эришдилар. Биринчи ва иккинчи квартал давомида кўмир қазиб чиқаришнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эришган 9-шахта коллективи икки марта СССР Кўмир саноати министрлиги ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини ҳамда иккинчи даражали пул мукофотини олди.

Етти ойлик план трест бўйича ҳам, корхоналар бўйича ҳам муддатидан бир неча кун олдин бажарилиб, мамлакатнинг турли жойларига қўшимча равишда бир неча минг тонна кўмир жўнатилди. Трест бўйича меҳнат унумдорлиги 8,5 процент ошириди. Ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи 98 тийиндан камайтирилди ва давлатнинг қарийб 4 миллион сўм маблағи иқтисод қилинди. Бу йил 7 ойда ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан трест бўйича 9,5 процент, 9-шахта бўйича эса 19,4 процент кўп кўмир қазиб чиқарилди.

9-шахтада иш айниқса яхши бормоқда. Шахта коллективи кеча август ойи графигини муддатидан анча олдин бажарганлиги ва пландан ташқари 30 минг тоннага яқин кўмир қазиб чиқарганлиги тўғрисида рапорт берди. Фақат биринчи участканинг ўзида йил бошидан бери 15 минг тоннага яқин қўшимча кўмир қазилди, ҳар бир шахтёрнинг меҳнат унумдорлиги қарийб 20 процент ошди.

Шунингдек, кўмир разрезида ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. 8 ойлик давлат плани бу ерда ҳам Шахтёрлар кунигача бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига бир ярим миллион сўмликка яқин фойда кўрилди.

Шахта ва разрез ишчиларининг, инженер-техник ходимларининг суръатни кун сайин ошириб ишлашлари натижасида бугун биз трест бўйича 8 ойлик планнинг муддатидан 9 кун олдин бажарилганлигини ҳам тантана қилмоқдамиз. 1 сентябргача яна бир неча ўн эшелон кўмир берамиз.

Бундай катта муваффақиятларни қўлга киритишда меҳнатсевар шахтёрлар, жонкуяр мастер ва ишчан техниклар, юқори малакали инженерлар ва ташаббускор хўжалик раҳбарлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Иван Братерский, Ортиқали Исроилов, Иван Голубь, Ҳолмурод Алиматов, Фёдор Пискорский, Хўжа Алиқулов, Одил Аблямитов ўртоқлар сингари новатор коммунист ва комсомолларнинг ташаббускорлиги натижасида бригада ва участкалар ўртасидаги социалистик мусобақа чинакамига қудратли кучга айлантириб юборилганлиги кундалик топшириқларнинг ортиги билан бажарилишини таъминламоқда. Етиштирган ўнлаб шогирдларининг шонушуҳрат қозонаётганидан ҳамда ўз меҳнати самараларидан қувончга тўлган Урванов, Рахов, Бозоров ўртоқлар сингари кекса шахтёрларнинг бу ютуқларда ҳиссаси каттадир. Чунки улар Пардаев, Ҳамдамов, Рўзибоев, Файзуллинлар сингари ўнлаб ғайратли ва уста шахтёрларни етиштириб чиқардилар.

Муваффақиятларимизга гаров бўлган яна бир омил—кўмир қазиш суръатини оширишга, шахтёрлар меҳнатини енгиллаштиришга, маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган янгиликларнинг ишлаб чиқаришга кўплаб жорий қилинишидир.

Йил бошидан бери шахтада, кон устини очиш разрези ва кўмир разрезида кўпгина прогрессив технология жорий қилинди, кўп жойларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш анча яхшиланди. Шахтанинг деярли ҳамма участкасида циклли график асосида ишлашга кўчилганлиги, комплекс бригадалар ташкил этилганлиги, экскаваторларда тор бурчак остида кавлаш йўли билан агрегат иш унумининг оширилганлиги мана шундай муҳим янгиликларандир.

Кўмирни циклли график асосида қазишга ўтиш бефойда сарфланадиган вақтни қисқартириш, мавжуд ускуна ва механизмлардан рационал фойдаланиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш, қазилган ёқилғи таннархини анча камайтириш имкониятини бермоқда. 1 ва 2-участкаларнинг тажрибаси буни таслиқламоқда.

Яқин вақтларгача навалоотбойчилар фақат кўмир ортиш ишини бажарарди. Забойни портлатиш, уни мустаҳкамлаш, транспортёрларни янги очилган жойга кўчириб ўрнатиш ишларини бошқа мустақил бригадалар бажарарди. Энди мана шу ишларнинг ҳаммасини навалоотбойчиларнинг комплекс бригадаси бажараётир. Ишни бундай ташкил қилиш натижасида фақат транспортёрларни янги жойга кўчириш операциясининг ўзида 4 ҳисса кам вақт сарфланадиган бўлди.

Трест маъмурияти кўмир қазиб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий шарти ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш эканлигини англаган ҳолда, бу масалага катта эътибор бермоқда. Йил бошидан бери 2 та «УЗТМ» маркали қудратли экскаватор, 80 та думпкар, 4 та паровоз келтирилди. Булар ҳозир унумли ишлатилмоқда.

Коммунистик партия биз, хўжалик ходимларидан қилинган ишга объектив баҳо беришни, ютуқлар билан мағрурланиб кетмай, шу ютуқларга эришиш йўлида йўл қўйилган камчиликларни аниқлашни, уларни пухта ўрганиш ва келажакда шу камчиликларнинг олдини олиш тадбирларини кўришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, ҳали ишимизда катта-катта камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтмай бўлмайди.

Энг жиддий камчилик шуки, трестда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кўпдан бери оқсаб келмоқда. Бу иш ҳамон изга солинган эмас. Натижада рационализаторлар сони кўпаймаётир, тушаётган таклифлар сони ҳам мутлақо қониқарсиз. Бунинг устига, киритилган айрим қимматли таклифлар ойлаб, ҳатто йиллаб ишлаб чиқаришга жорий этилмайди.

Кўмир разрезида транспорт ишининг яхши йўлга қўйилмаганлиги кўмир қазиш суръатига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Состав ўз вақтида келмаслиги туфайли экскаваторлар бекор туриб қолаётир.

Бундан ташқари, шахтёрларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уй-жойларни ремонт қилиш каби соҳаларда ҳам бир қанча камчиликлар бор. Шахта ва разрезларнинг партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари бу камчиликларни тугатиш юзасидан жиддий тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Оҳангарон шахтёрлари бугун йил давомида пешона тери тўкиб қилган унумли меҳнатлари раштини суриб, байрам қилар эканлар, улар эртанинг режасини ҳам тузмоқдалар. Улар бугун ҳам шахта қувватини ошириш, разрезни реконструкция қилиш, янги Ўпартоғ разрезини ишга тушириш иштиёқи билан яшамоқдалар. Бу — совет кишиларига хос бўлган, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда тарк бўлмайдиган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик туйғусидир.

Б. СОЛОВЬЁВ,
«Ўзбекуголь» трестининг бош инженери.

Факт ва рақамлар

«Ўзбекуголь» трестига қарашли кўмир қазиб чиқарувчи корхоналар бу йил 7 ой мобайнида 1955 йилнинг шу муддатидагига қараганда 9,5 процент кўп кўмир қазиб чиқардилар.

*** Трест бўйича Шахтёрлар кунигача қазилган ҳар бир тонна кўмирнинг таннархи 1 сўмдан ортиқроқ камайтирилди.**

*** Олтинчи беш йилликнинг охирига борибОҳангарон кўмир ҳавзасида 1955 йили бутун Урта Осиё кўмир корхоналарида қазиб чиқарилганча кўмир берилади. Бу эса 1913 йилда бутун Туркистон ўлкасида чиқарилган кўмир миқдоридан 25 ҳисса кўпдир.**

Факт ва рақамлар

*** Оҳангарон ҳавзасида кўмир корхоналари қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ишларига олтинчи беш йилликда 1 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ажратилди. Бу эса бешинчи беш йилликдагига нисбатан 10 марта кўпдир.**

*** Бу йил шаҳарда бир клуб, бир ёзлик кинотеатр, Маданият ва истироҳат парки, 2 мактаб, болалар сквери, 110 ўринли касалхона, 4 та ошхона фойдаланишга топширилди ва 10 дан ортиқ савдо точкалари ташкил қилинди.**

Пахта байрамингиз муборак бўлсин

Яқинда илғор теримчиларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) **биринчи қаторда** — кенгашга қатнашган кўп минг килограмм пахта терими ҳаракатига қўшилган теримчилардан: **А. Муқимов** (Верхне-волинск районидаги Жданов номли колхоз), **О. Ирисбоева** (Ўрта Чирчиқ районидаги Маленков номли колхоз), **Х. Асанова** (1-«Далварзин» совхози), **У. Эрматова** (Бекобод районидаги Ленин номли колхоз), **Г. Хидирбоева** (Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» колхози) **Иккинчи қаторда: П. Сандов** (Оққўрғон районидаги 1-МТС), **Ш. Читиева** (1-«Боёвут» совхози), **Х. Оллоназарова** (2-«Далварзин» совхози), **Х. Дилямова** (Юқори Чирчиқ районидаги «III пятилетка» колхози), **Б. Эшонқулов** (илғор механик-ҳайдовчи, Оққўрғон районидаги 2-МТС), **В. Салов** фотолари.

* * *

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида пахта терими бошлаб юборилди. **Суратда:** ўрток **Р. Бердиқулова** бошлиқ бригаданинг аъзоларидан **С. Искандарова, П. Раимова, А. Минаварова, Г. Расулева** ўртоқлар пахта термоқдалар. Колхоз раиси ўрток **Э. Усмонов** очилган пахталарни кўздан кечирмоқда. **М. Шевелев** фотоси.

Байрам ялласи

Қутлиқ бу байрамингиз, мардона пахтакорлар,
Тўлди Ватанга чексиз шодиёна, пахтакорлар.
Юксалди шуҳрату-шон, меҳнат шарофатидан,
Бахт бўлди бошимизда парвона, пахтакорлар.
Табрик этиб тўйингиз, юз очди кенг чаманда,
Жилмайди, ханда қилди ҳаршона, пахтакорлар.
Меҳнат билан тўкиб тер, чанқоқ у, Мирзачўлни,
Сиз қилдингиз гулистон-Фарғона, пахтакорлар.
Терганда толмасин қўл, шўхона ялла айтинг,
Донгдор теримчи қизлар-жонона, пахтакорлар.
Тўй-тўйлашиб, терайлик, бўлсин Ватанга совға,
Кўз нуримиз оқолтин-дурдона, пахтакорлар.
Зўр тантана, улуг тўй—бу Пахта байрамига,
Камтаргина бу шеърим—тўёна, пахтакорлар.

Камтар.

Механизация—теримда зўр куч

Биз механизаторлар ҳам бугун колхозчилар билан бирга қувонақувона Пахта байрамини ўтказмоқдамиз. Чунки пахтакорлар эришган галабаларни қўлга киритишда механизаторларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар давлат томонидан кўплаб етказиб берилаётган машиналар ёрдамида колхозчиларни оғир қўл меҳнатидан озод қилмоқдалар. Бу йил биз ҳозирги Пахта байрамини ҳар йилгидан кўра мўл ҳосил етиштириш билан кутиб олмоқдамиз. Бу ҳосилни етиштиришда биз механизаторлар колхозчилар билан ўзаро ҳамкорликда озмунча меҳнат қилмадик. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига амал қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг янги прогрессив методи кенг жорий этилди, ғўза қатор оралари икки томонлама ишланди.

Ҳозирги Пахта байрами колхозчилар билан бирга биз механизаторларнинг ҳам пахта йиғим-теримига сафарбар этиш байрами бўлди. Бу умумхалқ ишида ўзарим ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши керак.

Бу ерда шуни айтиш керакки, ҳозир пахтачиликдаги кўп ишлар механизация ёрдами билан бажарилмоқда. Аммо пахта теримида ҳалигача бу нарса етарли роль ўйнамаётир. Тўғриси, пахтани машинада теришга ҳали кўп жойларда етарли эътибор берилмаётир. Бу аҳвол билан сира келишиб бўлмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, агар пахта териш машиналаридан тўғри фойдаланилса, қўл меҳнати сарфини кескин равишда камайтиришга, пахтани тез суръатлар билан териб олишга эришиш мумкин. Чунки бир машина ёрдами билан пахта териш мавсумида ўртача ҳисобда 5 тонна пахта терадиган 16 кишининг ишини бажариш мумкин. Масалан, мен ўтган йили Киров номли колхозда ишлаб, машина билан 82 тонна пахта тердим. Бу йил мен пахта териш машинасининг техникасини яна ҳам яхши эгаллаб олдим. Шунинг учун илғор теримчилар ва механизаторларнинг яқинда бўлиб ўтган область кенгашида бу йил машина билан 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини қабул қилдим. Мен мана шу ўз устимга олган мажбуриятни бажариш ҳисси билан байрам қилмоқдаман.

Мен ҳар бир механизаторнинг ҳам пахта йиғим-теримида актив қатнашиб, мумкин қадар кўпроқ пахта териб бериш учун ҳаракат қилишини истар эдим.

Н. ЖЕЛЕЗНЯКОВ,

Октябрь районидаги Пахта МТСнинг механик-ҳайдовчиси.

Хирмонга барака

Бугун Пахта байрами. Пахтакорларнинг шодлик ва тантанали куни. Пахта байрамининг ўтказилиши партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни ривожлантиришга тобора катта эътибор бераётганини, пахтакорларимизнинг ижодий меҳнатлари тақдирланаётганлигини яққол кўрсатади.

Колхозчилар улуғ совет Ватанимиз саноатини энг қиммат баҳо хомашё бўлган пахта маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилиб, тоғ-тоғ пахта етиштирмоқдалар, хирмонларга барака киритмоқдалар.

Бизнинг колхоз аъзолари Пахта байрамини пахта майдонларини кенгайтириш мавжуд ерларда ҳосилни ошириш билан кутиб олдилар. Кейинги икки йил ичида колхозимизнинг пахта майдони Сирдарёнинг чап қирғоғидаги 400 гектар тўқай ерни ўзлаштириш, қамишзорларни экин майдонларига айлантириш ҳисобига 500 гектардан 820 гектарга етказилди. Умумий экин майдони 1100 гектардан 1448 гектарга етди.

Колхозимизнинг экин майдонлари кенгайиб бориши билан бир қаторда, пахтадан олинадиган ҳосил ҳам йил сайин ошиб, хирмонларимизга барака кириб бормоқда. Биз ҳозир ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашмоқдамиз. Колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб, янги ўзлаштирилган ерларда ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Жумладан, бригада бошлиғи Ўртоқ Холиқул Қолдибоев 20 гектар тўқай ерни ўзлаштириб, ўтган йили 26 центнердан ҳосил олди. Турғунбой Жўрабоев, Ёдгор Восилев ўртоқлар ҳам ана шундай юксак натижага эришдилар. Янги ерларни ўзлаштириб, юқори ҳосил олиш учун тинмай курашаётган бундай колхозчилар бизда кўп. Шу туфайли колхозимиз 1955 йилда давлатга 2 минг тонна пахта топширган бўлса, бу йил 2380 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олди.

Эндиликдаги асосий вазифа—далаларимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилини жадаллик билан йиғиб-терib олишдир. Биз Пахта байрамини шу курашга тайёр эканлигимизни намойиш қилиш билан, баракали ҳосилни йиғиб олишга киришиш билан нишонлаймиз. Хирмонларимиз баракали бўлсин, ўртоқлар!

А. БЕГИМҚУЛОВ,

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозининг раиси.

Мирзачўлда тўй

Кеча—чин арафа куни республикамиз пахтакорлари сингари, мирзачўлликлар ҳам сокин, ором-бахш, ғўзал ёз оқшоми эндигина қуюлиб, атроф Ильич нурлари билан порлаган пайтданоқ ҳосил тўйини—Пахта байрамини бошлаб юборишдилар.

Элу юртнинг тўқлиги, устимизнинг бутлиги, Ватаннинг ободлиги, халқимизнинг тинчлиги, обрў-эътибор—барчаси пахтадан. Мана шу пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ёз бўйи пешона терин тўкканлар-азамат кетмончилар, миришкор сувчилар, моҳир механизаторлар, чевар теримчилар... байрам либосини кийган шаҳар боғига томон оқиб кела бошладилар. Уларнинг шод чеҳраларидан, юрак сўзларидан жона-жон партия ва Совет ҳукуматининг Мирзачўл бутунлай бўйсундирилсин, қўриқ ва бўз ерларга ҳаёт суви чиқарилиб, боғ-бўстонлар, пахтазор водилар бунёдга келтирилсин, халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқсин, деган улуғ азмидан, пахтакорлар рағбатлантирилсин, улар бундан ҳам фаровон ҳаётга эга бўлсинлар, деб чиқарган тарихий қароридан мамнун эканликлари яққол сезилиб турипти.

«Пахта байрамингиз муборак бўлсин!», «Хуш келибсиз азиз меҳмонлар!» Боғ ичида турнақатордек оппоқ палаталар пештоқларига ана шундай сўзлар ёзилган.

Бир томонда концерт—санъат аҳли пахтакорлар учун хизмат қилмоқда, бир томонда кураш-навқирон йигитлар бел ушлашиб, дўстона куч синашади, бир томонда—базм—ҳаваскорларнинг шўх яллалари авжига чиққан. Чинакам сайл, тўй устига тўй улашиб кетган...

Ана, Василевский номли колхознинг машҳур бригада бошлиғи, 70 яшар нуроний ота. У ўз қоматини ғоз тутиб, даврада турипти. Рўзимат ота Ҳайдаровнинг бригадаси ўтган йили гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» олишга эришган эди. Донгдор бригадир улуғ пойтахтимиз Москвада бўлди, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашди. Бу йил унинг бригадаси Пахта байрамига муносиб совға билан етиб келди: ҳар гектаридан 40 центнердан пахта бериштек юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиридди.

«Коммуна» колхозининг аъзолари Мирзарайим Тошматовни «бўз ер очган эр йигит» дейишади. Чиндан ҳам бу ном Мирзарайим аканинг хизматларига муносиб. Агротехника қоидаларини кенг қўллаб, янги очилган ернинг ҳар гектарида 30 центнердан ҳосил етиштирган кишилар ҳам Мирзарайим бошлиқ бригада аъзоларидир.

Бу йилги ҳосилнинг мўл бўлишида байрам шодиёнасига йиғилган Анорбой Алимов, Михаил Колбасов, Қўлдош Тиллаев, Виктор Крестьянов, Бегим Алибеков каби моҳир механизаторларнинг меҳнатини айтмай, улар билан фахрланмай бўладими? Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 800-900 гектардан ерлаги ғўзани сифатли культивация қилганлиги киши қалбига чексиз қувонч бахш этади.

Чин арафа! Байрам тантанаси давом этмоқда, тўй устига тўй! Бугун Василевский номли колхознинг донгдор звено бошлиғи, гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган комсомол аъзоси Нурмамат Рўзиметовнинг ўз маҳбубаси билан қовушиш куни. Нурмамат Фарғона қизини севиб қолган эди. Унинг табассум билан илиқ боқишлари, олижаноб инсоний фазилатлари, меҳнатда ғайрат ва шижоати Нурмаматга куч-қувват бахш этарди.

Нурмаматнинг ҳамқишлоқлари бениҳоя хурсанд, чунки ёшларнинг тўйи Пахта байрамига эш бўлиб тушди, ҳосил тўйига файз бахш этди, Нурмаматнинг звеносига 15 минг килограммчи янги бир чевар теримчи қўшилади...

Айниқса, бугун сайлда иштирок этаётган камқувват колхозларнинг пахтакорлари ўзларини жуда ҳам тетик, бардам ҳис қилмоқдалар. Бу колхозлар партия ва ҳукуматимизнинг қароридан кейин давлатга топшириладиган пахтанинг нархи ошиши, МТСга тўланадиган натура ҳақининг камайганлиги ва сув ҳақидан озод қилинганлиги учун 168 минг сўм, ҳаммаси бўлиб салкам 1 миллион сўм қўшимча даромад қиладилар. Районда бундай колхозлар жуда кўп. Мана шу рақамлар жона-жон партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг пахтакорларни рағбатлантириш учун қилаётган битмас-туганмас ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир!

Шверник номли колхоз аъзолари ҳам бугунги улуғ айёмда миришкор сувчи Қурбон ва моҳир теримчи Ҳайитгулларнинг пахтазор қўйнида сурган ширин ҳаёллари, бахтли турмуш ҳақидаги орзу-умидларининг рўёбга чиқишида—уларнинг қовушиш тўйида хизмат қилмоқдалар.

Қурбон Турдибоев ўз севимли касби билан бригада аъзоларининг ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил етиштириш учун олиб бораётган курашларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳайитгул Эргашева шу бригадада 15 минг килограмм пахта териш учун аҳд қилган қиз.

Мирзачўлда тўй — Пахта байрами. Бу тўй пахтакор йигит ва қизларнинг ана шундай бахтли турмуш тўйлари билан қовушиб, янада файзли, янада улуғвор давом этмоқда, музиканинг янгроқ садолари Мирзачўл бўйлаб кўкларга парвоз қилмоқда.

Пахта байрамининг тонг отарида — бугун ҳаёт янада жонланиб кетди. Кенг майдонда ярмарка очилди: ҳамма нарса муҳайё. Атлас-шойилар дейсизми, бири-биридан ширин, бири-биридан шакар қовунтарвузлар, узумлар дейсизми, ҳаммаси пахтакорлар учун! Хуллас кеча чин арафада бошланган тўй шодиёнаси бугун авжига чиққан!

Республикамиз пахтакорлари сингари, Мирзачўлни бутунлай забт этиш учун отланган мирзачўлликларнинг тўй тантаналари бугун ҳам, эртага ҳам мана шундай қизғин давом этади. Бу тўй уларнинг пахта йиғим-теримини зўр ўюшқоқлик билан бошлаб юборишга илҳомлантиради.

Кел пахтакор ўртоқ! Бугун сенинг чинакам тўйинг! Ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирган мўл ҳосилинг тўйида сайр қил, ўйна, кул, яраша!

У. ЖОНГИТОВ.

Мирзачўл, 25 август.

Шараф кўриги

Саратон,
саратон.
Ҳарсиллар дала.
Ғўза япроғида қуёш йилтиллар;
Гўё қуёш кўкдан нур найчаларда
Ғўза танасига куч-қувват қуяр.
Меҳнатнинг кўрки бор ҳар бир япроқда,
Кўксида боққан ер она ерлардир.
Бақувват шохларда очилган гуллар,
Гул эмас, пахтакор тўккан терлардир!
Пахтакор! Нақадар азиз ўртоқсан,
Меҳнатинг шу кунлар кўрсатмиш чирой.
Ҳар кеча суқланиб кўкдан боқармиш
Ярқироқ юлдузлар билан тўлин ой.
Меҳнатинг обрўйинг, шону шарафинг,
Меҳнатинг туфайли порлоқ келгусинг,
Бу ерлар сеники, жонингга туташ,
Бу ерни яшнатган, гуллатган ўзинг.
Ҳар онда чигитга ҳаёт берган сен,
Сен уни гўзандек севиб ўстирган.
Сенинг меҳринг билан камолга етиб,
Сенинг меҳринг билан ҳосилга кирган.
Сен унга термулсанг, кузак кўриниб,
Фикрингдан ўтади сонсиз карвонлар,
Момиқдай очилиб ётган кўсаклар,
Булутга тўш урган минглаб хирмонлар.
Барчаси рўёбга чиқар, шубҳасиз,
Меҳнатинг сабаб-у, меҳринг гаровдир.
Сен тутган у ялов, унутма, дўстим,
Курашда тугилган ғолиб яловдир.
Узбек пахтасини билади жаҳон,
Узбекнинг ғурури, шони — пахтазор.
Рекордлар яратиб ўз ҳосилидан,
Уфққа туташган водилари бор.
Водилар!
Водилар!
Чаман водилар
Шу кунлар яна ҳам бўлипти кўркам.
Сенинг шарафингга, сенинг шонингга
Пахта байрамини қилади ўлкам.
Байрамки, меҳнатинг, шонингга кўрик,
Байрамки, эртангнинг улуғ режаси.
Байрамки, тантана, шодлик, ҳаҳ-ҳаҳа
Тенггача тинмайди бугун кечаси.
Эҳ, кунлар келади, шундай тантана
Мирзачўл қирида бўлур, албатта.
У чоқлар чўл изин топур тарихчи
Архивга ташланган нўхна картадан.
Пахтадан ўзбекнинг шони-шарафи,
Пахтадан ўзбекнинг юзида виқор,
Пахтадан ўзбекнинг давлати, бахти,
Байраминг муборак, азиз пахтакор!

ШУҲРАТ.

Мирзачўл қўйнингни оч!

(Қўшиқ)

Пахтакорлар келдилар, эй Мирзачўл, қўйнингни оч,
Гулга чўлгансин шу водий, янги ГЭС, нурингни соч.
Қаҳрамон халқ дардингга тезлик билан топти илож.
Энди дерсан: барқ уриб фасли баҳорим келдилар,
Чўлни бўстон эткани мард пахтакорим келдилар
Пахтазорлар яшнагай, боғрингда гулшан, янги боғ,
Мирзачўлда қолмагай чўлдан нишона, зарра доғ,
Мангу порлар ҳур ватанда ул Ильич ёқиқон чироғ.
Энди дерсан: барқ уриб фасли баҳорим келдилар,
Чўлни бўстон эткани мард пахтакорим келдилар.

Акмал ПЎЛАТ.

20 минг килограмм пахта тераман

Биз Пахта байрамини колхозимиздаги 592 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 19 центнер ўрнига 22 центнердан пахта ҳосили олиш учун пухта замин ҳозирлаган ҳолда кутиб олмоқдамиз. Мен ишлаб турган звенода 25 гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиш учун ҳамма асос бор. Шунинг учун биз қўлга киритган ютуқларни, ҳалол меҳнатларимизнинг самараларини кўриб, ҳақли равишда фахрланамиз.

Пахта байрамида ютуқларимиз қайд қилиниши билан бирга, далаларда етиштирилган оқ олтинни йиғиб-терib олиш учун кураш ҳам бошланади. Пахта байрамида биз янги кураш режаларини белгилаб оламиз. Байрамдан кейин пахта теримини бошлаб юборамиз.

Ҳозир колхозимизда Пахта байрами билан бир вақтда йиғим-теримга ҳам барча тайёрлик ишлари кўриб қўйилди. Пўллар, кўприклар тузатилди, қоп-қанор, тош-тарозилар ҳозирланди. Пахта ташиш учун машиналар, аравалар ремонтдан чиқарилди, отлар боқилди. Теримчилар ҳам теримнинг бошланишини орзиқиб кутмоқдалар. Ўтган йили Санталат Абдиева 20 минг, Турғуной Тўхтаева 15 минг килограммдан кўпроқ пахта териб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган эдилар. Улар бу йил ҳам кўпмингчилар ҳаракатига қўшилдилар. Шулар қатори мен ҳам партия ва ҳукуматимизнинг колхозчиларга қилаётган катта ғамхўрликларига жавобан давлатга пахта етиштириб беришда муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдаман.

Мен ўтган йили 20 минг килограмм пахта терган эдим. Бу йил ҳам 20 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олдим. Мен Пахта байрамини мана шундай социалистик мажбурият билан кутиб олаётирман.

Ойша ИРИСБОЕВА,

Ўрта Чирчиқ районидаги Маленков номли колхоз теримчиси.

Меҳнатимиз баракали, турмушимиз бахтли

Биз «Пахта байрами»ни меҳнат ва ҳосил байрами, халқ байрами сифатида кутиб олдик. Колхозчиларимиз байрамга қандай совға билан келганлигини айтиб бермоқчиман.

Колхозимиз яқиндагина кам қувватли деб ҳисобланар эди. Биз уни район ва областда бадавлат ҳамда илғор колхозга айлантиришга қарор қилдик. Бунда энг олдин унумли ва сифатли ишлаш зарурлигини исбот этдик. Чунки пахта ва бошқа экинларга сарфланган меҳнат билан олинган ҳосил ўртасида катта тафовут борлигини аниқладик. Сифатсиз ва пала-партиш меҳнат ҳар қанча кўп сарфлангани билан муваффақият қозониш мумкин эмас эди.

Иккинчидан, биз вақтга алоҳида эътибор бердик. Нега десангиз, деҳқон учун вақт катта аҳамиятга эга. Вақтдан ютқазган деҳқон ҳосилни бой бериб қўйиши мумкин. Масалан, ғўза вақтида суғорилмаса, чанқоқликдан меваси тўкади, ўсишдан қолади, кўсак оч бўлиб очилади. Шу сабабли колхозчиларимиз ишнинг кўзини билиб, ҳар бир ишни вақтида, ўз оби-тобида бажаришга ўрганишди. Натижада меҳнатимизнинг қадр-қиймати бир йил ичидаёқ кўриниб қолди.

Учинчидан, биз колхозни бир томонлама эмас, ҳар томонлама—комплекс ривожлантиришга эътибор бердик. Ҳамма экинлардан юқори ҳосил олишга эришдик. Чорвачилигимиздан келадиган даромад уч ҳисса кўпайди. Оқибатда колхозимиз бундан беш йил илгари 6 миллион сўм даромад қилган бўлса, ўтган йили 11 миллион сўм даромад қилди. Ҳар меҳнат кунига 12 сўм пул ва 2,5 килограммдан галла тақсимланди.

1956 йил — колхозчи-деҳқонлар ҳаётида тарихий йил бўлди. Биз 722 гектар ерга пахта экиб, ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олмоқчимиз. Бу — ўтган йилдагидан гектар бошига 9 центнердан кўп. Колхозчиларимиз ҳалол меҳнат қилиб, мақсадга эришдилар. Ғўзаларимизнинг чўғи бунга исбот қилиб турипти.

Биз катта шодиёна кунга ҳосилга-ҳосил қўшиш, теримни шайланиб кутиб олиш билан келдик. Барча шийпонлар байрам руҳида безатилди. Хирмонлар кенгайтирилиб, ремонт қилинди. 7 машина, 6 автокачка, 800 этак, 2000 қоп тахт қилиб қўйилди. Завод ва пахта пунктига бориладиган йўллар ремонт қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта нархини ошириш, МТСларга тўланадиган натура ҳақини камайтириш ва сув учун тўловни бекор қилиш тўғрисидаги тарихий қарори колхозчи деҳқонлар учун янги бир ғамхўрлик ва тўй устига тўй бўлди. Биз бу ажойиб ғамхўрликка мўл пахта ҳосили билан жавоб беришга аҳд қилдик. Бизда ўтган йили 15 тонна пахта териб берган Гулбада Бадаловага эргашиб, 15 мингчи теримчилар ҳаракатига 257 киши қўшилди.

Шу кунларда колхоз қишлоғининг ҳамма ёғида сайил, тўй. Ворошилов номли мактабнинг бадиий ҳаваскорлари катта концерт тайёрлаб, колхозчиларга қўйиб бермоқдалар. Бир томонда кураш, бир томонда пойга. Аҳмаджон Ўришев, Қўчқор Сафаров каби халқ қизиқчиларимиз ўзларининг аскиялари билан ҳаммани кулдиришмоқда. Колхоз хофизларидан Каримжон ва Мамажон Эгамбердиевлар қишлоқни янгратиб қўшиқ айтмоқдалар.

Одил НОРМАТОВ,

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозининг раиси.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг Финляндияда бўлиши

ХЕЛЬСИНКИ, 24 август. (**ТАСС махсус мухбири**). СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари Финляндияда қилаётган сайҳатларини бугун Хельсинки шҳерларига боришдан бошладилар. Улар тушган «Сису» музёрари йўлга чиқмасдан анча олдин Финляндия пойтахтининг аҳолиси пристанга тўпланди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен, СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. З. Лебедев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри Ф. Д. Вараксин, СССР Ташқи ишлар министри К. Клеемола, Маориф министри И. Виролайнен, биринчи молия министри А. Симонен ва бошқалар ҳам музёрарга чиқдилар.

К. Е. Ворошилов музёрардан қўл билан ишора қилиб табриклайди, пристанда тўпланган кишилар ҳам СССР Олий Совети Президиумининг Раисини қизғин табриклайдилар. Халойиқ «ура» деб қичқиради. Музёрар йўлга тушиб, кўрфазнинг ичкарисига жўнайди. У рангба-ранг байроқлар билан безатилган пароходлар ёнидан ўтиб боради. Хельсинки—катта денгиз портқдир. Шунинг учун ҳам бу портда Финляндияга ва чет мамлакатларга қаратилган савдо кемалари ва пассажир кемалар ҳамиша кўп бўлади.

«Сису» музёрарини йўлда фин ҳарбий кемаси кутиб олди, бу ҳарбий кема музёрарга соқчилик қилиб боради. Кемада саф тортиб турган команда СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловни ва Финляндия Республикаси Президенти У. К. Кекконенни табриклайди.

«Сису» тарихий Свеабор қўрғони олдига келади. 50 йил муқаддам бу қўрғондаги қўшинлар чоризмга қарши қўзғолон кўтарган эдилар. Бу қадимий қўрғонга ўрнатилган тўплар СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов шарафига миллатлар салюти бериб, 21 марта гумбурлаб отиладилар. Ҳарбий оркестр марш чалади. Саф тортиб турган гарнизон қўшинлари К. Е. Ворошиловни ва У. К. Кекконенни табриклайдилар.

«Сису» яна йўлга равона бўлади. Музёрардан Хельсинкининг ва унинг атрофидаги ямяшил ороллар ҳамда қалин ўрмонларнинг ажойиб манзараси кўриниб турибди. Музёрар шҳерларни тахминан бир ярим соат юриб айланиб чиқди. Сўнгра, меҳмонлар ва уларнинг ҳамроҳлари кичикроқ кемага ўтиб, Сяркка оролига бордилар. К. Е. Ворошилов оролнинг тарихий хушманзара жойлари билан, унинг қадимий иншоотлари билан танишди.

Сяркка оролидаги «Меренкявият» яхт-клуби ресторанида меҳмонлар учун зиёфат берилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг визити муносабати билан Хельсинкида тантанали концерт

ХЕЛЬСИНКИ, 24 август. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун Финляндия Республикасининг Министрлар Совети СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг визити муносабати билан Хельсинки университетининг Акт залида тантанали концерт ташкил қилди. Хельсинки шаҳрининг симфоник оркестри Ян Сибелиус ва бошқа фин композиторларининг асарларини, шунингдек Бородин ва Чайковский асарларини ижро этди. Оркестрга машҳур фин дирижери Тауно Ханникайнен дирижерлик қилди.

Концертда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. З. Лебедев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри Ф. Д. Вараксин, генерал-майор В. И. Устинов ҳозир бўлдилар.

Концертда Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен, Бош министри К. А. Фагерхольм, министрлар Тернгрен, Симонен, Скуг, Клеемола, Лейволаросон хоним, Миеттунен, Саари, Виролайнен, Финляндия парламентининг депутатлари, муниципалитет аъзолари, университет канцлери Мюрберг, университет ректори Равила, жамоатчилик вакиллари, Ташқи ишлар министрлигининг ходимлари, Финляндиядаги Совет Элчихонасининг ходимлари, матбуот вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов шарафига Хельсинкидаги Совет Элчихонасида қабул маросими

ХЕЛЬСИНКИ, 24 август. (**ТАСС махсус мухбири**). Бугун СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. З. Лебедев бу ерга расмий визит билан келган СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен, Финляндия парламентининг раиси В. И. Сукселайнен, бош министр К. А. Фагерхольм, Финляндиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. Вуори, Ташқи ишлар министри Р. Тернгрн ва Финляндия ҳукуматининг бошқа аъзолари, парламент президиумининг аъзолари, парламентдаги фракцияларнинг ва парламент доимий комиссияларининг вакиллари, сиёсий партияларнинг раҳбар арбоблари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри Ф. Д. Вараксин, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, генерал-майор В. И. Устинов ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимидаги меҳмонлар орасида қуролли кучлар қўмондони генерал К. Хейсканен ва Финляндия армиясининг бошқа генераллари, «Финляндия-Совет Иттифоқи» жамиятининг раиси С. К. Кильпи, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият ва санъат арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари бор эди.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар орасида СССРнинг Финляндиядаги савдо вакили А. Г. Дроздов, Совет Элчихонаси ва савдо ваколатхонасининг маъсул ходимлари, Хельсинкидаги чет эл дипломатик ваколатхонасининг бошлиқлари ва аъзолари, совет, фин ва чет эл журналистлари бор эди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Финляндия Республикасининг Президенти У. К. Кекконен Элчихонага келишлари билан оркестр Финляндия Республикасининг давлат гимнини ва Совет Иттифоқи давлат гимнини ижро этди.

Қабул маросими дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Совет Иттифоқи делегациясининг Лондондан Москвага жўнаб кетди

ЛОНДОН, 25 август. (ТАСС). Сувайш канали масаласига бағишланган Лондон конференциясида қатнашган Совет Иттифоқи делегациясига бошчилик қилган СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов бугун Лондондан Москвага самолётда жўнаб кетди. У билан бирга совет делегациясининг аъзолари В. С. Семенов, Я. А. Малик, Г. Т. Зайцев, шунингдек маслаҳатчилар ва экспертлар ҳам жўнаб кетдилар.

Лондон аэродромида Д. Т. Шепиловни Буюк Британия ташқи ишлар Министрининг парламент ўринбосари А. Додгс-Паркер, СССРнинг Буюк Британиядаги ишлар вакили А. А. Рошчин, СССРнинг Буюк Британиядаги савдо вакили В. А. Каменский, совет элчихонасининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари кузатиб қолдилар.

Америка авиацияси ва флотининг ХХР соҳиллари бўйидаги провокацион ҳаракатлари

ПЕКИН, 24 август. (ТАСС). Синьҳуа агентлиги хабар беради: 23 ва 24 августда Америка 7-флотининг кемалари ва самолётлари Чжэцзян вилояти соҳилларида Хитой территориал сувлари ва ҳаво чегарасини бузилар. Чегарани бу хилда бузиб ўтишда Америка самолётларининг 18 группаси қатнашди. Самолётлар Чжоушань архипелаги районидаги турли ороллар устида учиб юрди.

23 августда Америка ҳарбий-денгиз кемаларидан катта группаси самолётлар ҳимояси остида Дачэнь оролидан шарқи-жанубдаги районда пайдо бўлди. 24 августда Чжоушан архипелаги яқинидаги сувларда Америка кемалари пайдо бўлди.

Агентлик бу ҳаракатларни Америка қуролли кучларининг ХХР соҳилларидаги янги катта провокацияси деб таърифламоқда.

НОРВЕГИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИДАН БИР ГРУППАСИНИНГ УЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Норвегия стортинги делегациясининг аъзоларидан Ўзбекистонда бўлган бир группаси республика ҳаёти билан танишмоқда.

25 августда Меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатини бораб кўрдилар. Комбинат директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. И. Комков Норвегия парламенти аъзоларига корхонанинг тарихи ҳақида, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва тўқимачиларнинг меҳнат шароитини ҳамда турмушини яхшилаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

Тушдан кейин делегация аъзолари Янгийўл районидаги Сталин номли колхозга бордилар.

Колхоз правлениеси меҳмонлар шарафига зиёфат берди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

Меҳмонлар кечқурун Муқимий номли ўзбек музикали драма ва комедия театрида «Фарҳод ва Ширин» спектаклини тамоша қилдилар. (ЎзТАГ).

Областимизда



Олмалиқдаги йиғма темир-бетон маҳсулотлари заводи республика қурилиш ташкилотларига йилига 15 минг донагача турли хил биноқорлик деталларн етказиб бермоқда. Суратда: йиғма темир-бетон конструкциялар машинага ортилмоқда.

А. Аверьянов фотоси.

Пахтачилик машиналарининг сифатини яхшилаш масаласига бағишланган кенгаш

Тошкентда, Ўзбекистон заводларида пахтачилик учун ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифатини яхшилашга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлигининг ходимлари, Пахтачилик давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг вакиллари, МТС ва совхоз раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Ферштадт доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан кишилар қайд қилиб ўтдиларки, Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозогистон республикалари КПСС ХХ съезднинг пахта етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун курашиб, чигитни тор қаторлаб ва квадрат-уялаб экиш усулига ўтмоқдалар. Бунинг учун тракторларни, сеялкаларни, культиваторларни, чанглагич-пуркагичларни, пахта териш машиналарини ва бошқа хил машиналарни қайтадан мослаш соҳасида катта ишлар қилинди. Бироқ қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқараётган республика корхоналарининг ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Заводлар бир неча йил мобайнида машиналарни уларнинг конструкциясига айтарлик жиддий ўзгартишлар киритмай ва уларни яхшиламай ишлаб чиқармоқдалар.

Ўрта Осиё давлат машина-синаш станциясининг бош инженери ўртоқ Мелешко яратилаётган янги машиналар талабга тўла жавоб бермаётганлиги учун пахтачилик давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективини қаттиқ танқид қилди. Конструкторлик бюроси ўз лабораториясига ва тажриба-далачилик базасига эга бўлгани ҳолда, машиналарни пухта синаб кўрмайди. Натижада агрегатларнинг тажриба нусхалари синаб кўрилганда кўпинча ишга яроқсиз бўлиб чиқади.

Андижон машина-экскаватор станциясининг машинисти Лутовинов ва Тошкент область насос станциясининг механиги Поядовский ўртоқлар Тошкент экскаватор заводи ва «Коммуна» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Улар қайд қилиб ўтдиларки, иш процессида экскаваторларнинг ва «Андижанец» дизелининг кўпгина конструктив камчиликлари борлиги аниқланмоқда.

СоюзНИХИ Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказий станциясининг директори Мирпўлатов ва СоюзНИХИ Ўғит бўлимининг мудири Чумаченко ўртоқлар ўз нутқларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ва ўғитларни тупроққа рационал равишда солиш масалалари тўғрисида гапирдилар.

«Оққўрғон» пахтачилик совхозининг бош агрономи Петров, Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхознинг СХС-1,2 маркали пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Алиев, республика Совхозлар министрлигининг бош инженери Шмелев, Косон районидаги иккинчи МТСнинг бош инженери Одилов, Пахта МТСнинг бош инженери Резников ва бошқа ўртоқлар пахтачиликни комплекс механизациялаш учун тежамли, юқори унумли машиналар яратиш зарурлиги ҳақида сўзладилар.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитети саноат бўлимининг мудири ўртоқ Эгамбердиев нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Илғорлар тажрибасини ўрганиш учун

Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз правлениеси жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга катта аҳамият бермоқда. Колхозда сигирлардан сут соғиб олиш, чўчқалар сонини кўпайтиришда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Яқинда колхоз правлениеси чорвачилик соҳасидаги илғор иш тажрибаларини ўрганиш масаласини кенг муҳокама қилди ва ферма мудири Ўртоқ Яҳуб Юсуповни Москвага юборди. У, Москва области ва Украина ССРнинг илғор колхозларида 35 кун бўлади, у ердаги чорвачилик фермаларининг ишлари билан танишиб қайтади.

Шунингдек илғор колхозчилардан 15 киши Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига юборилди.

Йиллик план 7 ойда бажарилди

Тошкент район саноат комбинатининг бўёқ цехи ишчилари КПСС ХХ съезди қарорларини бажариш учун курашиб, катта муваффақиятга эришдилар. Цех 7 ойда 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, планни 271 процент ва йиллик топшириқни эса 160 процент қилиб ado этди.

Колхозда янги корхона

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз қишлоғи тобора обод бўлмоқда. Колхоз правлениеси жамоат binolari ва колхозчилар учун уй-жой қуришга катта эътибор бераётир. Колхоз бу йил 60 хўжалик учун янги уй-жой қуришни планлаштирди. Шу муносабат билан колхозда пишиқ ғишт тайёрлаш йўлга қўйилди. Оҳак ҳам пиширилмоқда. Бу ердан ташқари шифер тайёрлайдиган корхона ишга туширилди. Бунинг натижасида колхозчилар ғишт ва шифер билан тўла таъминланмоқда.

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ЎҚИТИШНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

25 августда Тошкентда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозогистон ва Озербайжон ССРлардаги мактаб ходимларининг, илмий-педагогика муассасалари ва Маориф Министрликлари ходимларининг миллий мактабларда рус тили ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланган илмий конференцияси ўз ишини тамомлади.

Конференциянинг охирги яллия мажлисида КПСС Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг сектор Мудири **Н. П. Кузин** нутқ сўзлади.

Конференция кенг резолюция қабул қилди. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

И. Я. Франко

Эртага қардош украин халқининг содиқ фарзанди, озодлик, бахт ва ижодий меҳнат қуйчиси Иван Яковлевич Франконинг туғилган кунига 100 йил тўлади. Украина меҳнаткашлари билан биргаликда бу юбилейни биродарона совет оиласида яшовчи бошқа халқлар ҳам кенг равишда нишонламоқдалар.

Оташин ватанпарвар ёзувчи Иван Франко ўз асарларида украин халқининг ўтмишдаги машаққатли ҳаётини, бахт-саодат учун олиб борган курашини акс эттирган улуғ демократ ва революцион адиб бўлиб, у доимо меҳнаткашлар билан ҳамнафас бўлиб яшади, уни зулм кишанларини тилкапора қилишга, золимларга қарши раҳмсиз курашга даъват этди. У бутун ижодини ва ҳаётини халққа бағишлади. Франко бундай деган эди: «Мен бутун ҳаётимни ана шу оддий халқ оммасига бағишлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан». Франконинг ҳаёти халққа, ватанга садоқат ва сидқидиллик билан хизмат қилишнинг ажойиб намунасидир.

Иван Франко 1856 йил 27 августда Ғарбий Украинанинг Дрогобич уездидаги Нагуевичи қишлоғида темирчи оиласида туғилди. Бу даврда Ғарбий Украина ёки ўша вақтдаги номи билан атаганда Галиция Австро-Венгрия монархиясининг қўл остида бўлиб, Австрия ҳукумати уни идора қилишни поляк шляхтачиларига топшириб қўйганди. Галиция аҳолиси ерли амалдорлар, поляк панлари ва австрия чиновниклари томонидан қаттиқ эзилар эди.

Қишлоқ темирчисининг ўғли Франко ёшлик чоғиданоқ украин деҳқонларининг, ишчиларининг фожиали турмуши билан танишди, жонажон халқининг, ватанининг оғир қисматига ачинди.

Франко Дрогобич гимназиясини тамом қилгач, 1875 йилда Львов университетининг философия факультетига ўқишга кирди. У студентларнинг яширин революцион тўгарагига иштирок этиб, тақиқланган сиёсий адабиётларни ўқийбошлади.

И. Франко дунёқарашининг ва ижодининг шакланишида реал воқелик билан бирга, улуғ рус революцион демократлари Чернишевский, Добролюбов, Герцен, шунингдек украин халқининг нафтихори Шевченконинг илғор фалсафий, социал ва бадиий қарашлари муҳим роль ўйнади.

1877 йилда Львовда чиқадиган «Дўст» номли адабий журналда Франконинг «Нефтчи», «Ишда» «Сиғинаётган гуноҳкор» сарлавҳали ҳикоялари босилди. Китобхонларга манзур бўлган бу ҳикояларда автор Галициянинг Борислав шаҳридаги ишчилар ҳаётини ҳикоя қилади. Ўтган асрнинг 60- йилларида Ғарбий Украинанинг Борислав шаҳри ёнида жуда кўп миқдорда нефть ва мум қатламлари топилди. Бу ерга мамлакатнинг турли бурчакларидан ҳар хил касбдаги одамлар ёмғирдек ёғилиб кела бошлади. Буларнинг аксарияти кундалик тирикчилигини зўрға ўтказиб юрган камбағаллар, қолганини эса бойлик орттириш ниятида келган қишлоқ ва шаҳар эодагонлари ташкил этарди. Йирик пулдорлар, судхўрлар тезликда нефть конларини эгаллаб олдилар. Нефть корхоналаридаги ишчиларнинг кўпчилиги қишлоқ ҳаётининг оғир машаққатларига бардош беролмай, шаҳарга «бахт» излаб келган деҳқонлардан иборат эди. Борисланда катта саноат пролетариат армияси вужудга келади. Бу армия ўз ҳуқуқ ва манфаатлари учун курашиб, капиталистик тартибларга қарши чиқабошлади. Галиция ҳаётидаги бу янги ҳодисани Франко тез пайқади ва асарларида бу янгиликнинг бадиий ифодасини берди. Иван Франко фақат украин адабиётида эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам биринчи бўлиб ишчилар темасида бадиий ва ғоявий жиҳатдан етук йирик асарлар яратган ёзувчилардан ҳисобланади.

Австрия маъмурлари 1877 йилда Франкони яширин революцион жамият аъзоси сифатида айблаб қамоққа олдилар. Шоир 9 ой тюрьмада ётиб чиқди. Тюрьма Франко учун сиёсий ва ғоявий жиҳатдан чиниқиш мактаби бўлди.



Франко Карл Маркс «Капитал»нинг 24- бобини ва Фридрих Энгельснинг бир нечта мақолаларини украин тилига таржима қилган. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, Франконинг социалистик қарашлари чекланган эди.

1880 йилда Австрия ҳукумати Франкони иккинчи марта қамоққа олди. У халқ орасида яширин тарғибот юргизганликда айбланган эди. Тюрьма азоблари Франконинг пўлатдек мустаҳкам иродасини букаолмади. Унинг озодликка, бахтли турмуш қуришга, ватанни чет эл босқинчиларидан халос этишга чақирувчи овози тюрьма каземетларидан ҳам баралла янгради. Шоир «Тюрьмадан чиққан ўртоқлар» шеърида бундай деб ёзди:

Биз чиқамиз янги курашга,
Подшоҳга подшоҳлик олиш учунмас,
Черковда сиғиниш, илоҳ учунмас.
Биз чиқамиз янги курашга,
Кураш билан озод яшашга.

70- йилларнинг охиридан бошлаб Борислав нефтчиларининг ҳаёти Франко ижодидан мустаҳкам ўрин олди. Ёзувчи «Борислав қулаётир», «Бўғма илон» каби машҳур повестларини, «Борислав ҳикоялари» циклини шу темага бағишлади. Буларда автор Галиция нефтчиларининг фақирона турмушини реал бадиий бўёқлар билан тасвирлайди, синфий ва сиёсий кураш картиналарини чизади, капитализм тартибларини, йиртқич буржуазиянинг разилликларини фош қилади.

И. Франко йирик прозаик асарлар билан бир қаторда, кўплаб шеър ва поэмалар ҳам ёзди. Унинг 1887 йилда босилиб чиққан «Чўқилар ва пастликлар» номли катта шеърлар тўплами шоирнинг ижтимоий-сиёсий позициясини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тўплам Франконинг сиёсий ва граждан лириканинг моҳир устаси эканлигидан далолат беради. Шоир «Абадий революционер», «Судда» ва «Тюрьма сонетлари» циклига кирган бошқа шеърларида Австро-Венгрия монархиясини кескин сатира остига олди, уни қўпариб ташлашга чақирди. Франко Австро-Венгрияни «ўрта аср ботқоғи», «халқлар тюрьмаси» деб атади.

Шоир қолдирган бой поэтик меросининг катта қисмини поэмалар ташкил этади. Франконинг «Каиннинг ўлими», «Иван Вишневский», «Пан эрмаклари», «Моисей» номли юксак бадиий маҳорат билан ёзилган поэмалари украин классик адабиётининг нодир асарларидан ҳисобланади. Шоир бу поэмаларида ватанпарварлик ва инсонпарварликни, дўстлик ва қаҳрамонликни, озодлик ва ижодий меҳнатни олқишлади.

Франко драматургия жанрида ҳам муваффақият билан ижод қилди. Унинг «Ўғирланган бахт» номли саҳна асари кўп йиллардан бери мамлакатимиз театрларида қўйилиб келмоқда.

Франконинг бадиий қарашлари, адабиётнинг роли ва вазифаси ҳақида айтган фикрлари ғоят диққатга сазовордир. У идеалистик эстетикага қарши ўлароқ ёзган «Адабиёт, унинг вазифаси ва муҳим хусусиятлари» деган танқидий мақоласида, шунингдек, «Куйчига», «Ўрмон идиллияси» асарига ёзилган «Бағишлов» ва «Мен декадент эмасман» сингари шеърларида материалистик эстетикани ҳимоя қилди ва ривожлантирди.

Франко ижодига, унинг бадиий қарашларига прогрессив рус адабиёти катта ижобий таъсир кўрсатди. Буюк сўз санъаткорлари Толстой, Шчедрин, Чехов, Горькийларнинг реализми, улар асарларидаги ўткир ижтимоий мотивлар, гуманистик идеялар Франкони ўзига мафтун этарди. И. Я. Франко 1916 йил 28 майда Львовда вафот этди.

Франко бадиий адабиётнинг деярли ҳамма жанрларида муваффақият билан ижод қилган йирик сўз санъаткоридир. У ҳам шоир, ҳам прозаик, ҳам драматург, ҳам философ, ҳам танқидчи, ҳам публицист, ҳам таржимон эди. У катта олим ва актив жамоат арбоби сифатида ҳам машҳур эди. Франко қариб 40 йиллик ижодий фаолияти даврида 5 мингга яқин асар ёзди. Буларнинг асосий қисмини бадиий ва публицистик асарлар ташкил этади. Иван Франконинг украин адабиёти ва маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси ғоят катта бўлиб, унинг номи украин адабиёти тарихида ўлмас Шевченко номи билан ёнма-ён туради.

Т. ПИДАЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — отпускага чиқиш олдидан сўнгги спектакллар — ёзги винода: 26/VIII да **Сурмахон**, қишки винода: 26/VIII да кундуз **Тоҳир ва Зуҳра**, кечқурун **Концерт**. 27/VIII да кундуз **Концерт**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 8 да **Гулбаҳор**, кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да **Ор-номус туфайли**, кеч соат 10 да **Кўча серенадаси**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Ор-номус туфайли**, кеч соат 8 дан **Кўча серенадаси**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Сиҳрли қилич**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Ор-номус туфайли**, кеч соат 8 ва 10 да **Кўча серенадаси**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА», «УДАРНИК», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Ор-номус туфайли**.

«ХИВА» — **Кўча серенадаси**.

СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА

(Комсомол кўли)
1 ва 2 сентябрда

ДЎСТЛИК КАРНАВАЛИ

Билетлар ҳозирдан район комсомол комитетлари, шаҳар парклари кассалари ва район кассаларида, шунингдек корхоналардаги вакиллар томонидан сотилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(ёзги бино)
27 августда

Катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдурахмонов** ва солистлар қатнашади.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Олмалиқ шаҳар, Чапаев кўчаси, 2-уйда турувчи **Иосиф Львович Гильманнинг** Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 23-уйда турувчи **Изабелла Григорьевна Золоторевадан** ажралиш ҳақидаги иши Олмалиқ шаҳар, 2-участка халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Пискент район, Пискент қишлоқ совети, Милиция переулки, 23-уйда турувчи **Наим Оқиловнинг** Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, Шайхантаҳур проезд, 7-уйда турувчи **Ҳалима Гуломовадан** ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 08409. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1508.